


# ТУРКИСТОН



Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 3 июль • Шанба • № 76 (14104)

تورکستان

TURKISTAN

Нархи 10 сўм.

## Амрико Қўшма Штатлари Президенти Билл Уильям Ж. Клинтон жаноби олийларига

**ЖАНОВ ПРЕЗИДЕНТ!**  
Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан сизни, барча Амрико халқини тарихий мустақиллик кўни билан таъриқлаш имкониятидан бахтиёрман.  
Биз Амрико Қўшма Штатларнинг буюк ютуқларга эга бўлган мамлакат сифатида ёш мустақил давлатларга демократик анъаналар ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришда бераётган техникавий ва инсонпарварлик ёрдами юксак баҳолаймиз.  
Ўзбекистон — жаҳон цивилизациясининг қадимий марказларидан бири — ўз маънавий қайта тинчланганда чинкам озолик ва демократия қадриятларига иштиёқда. Иштиёққа эришган республикамиз ҳуқуқий ва дунёвий ахлоқий қуриш, очиқ иқтисодиётини шакллантириш йўлидан бормоқда. Бунда биз бошқа мамлакатлар тажрибасига, жумладан, АҚШ давлат тараққиётга катта эътибор билан

қарамоқдамиз. Ўзбекистон Амрико Қўшма Штатлари каби терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай шакллари билан кескин қаралоқда, халқаро келишмовчиликларнинг тинч-тотув йўли билан ҳал қилинишини қўллаб-қувватламоқда.  
Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати халқаро мезонлар асосида мамлакатларимиз ўртасида дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манfaatли муносабатларни ривожлантириш мудоасида эканини таъкидлашни истардим. Биз халқларимиз бир-бири билан яхшироқ танишиши, кенг кўламли билим, тажриба ва юқори даражадаги расмий делегациялар билан доимий тарзда алмашиб туриши тарафдоримиз.  
Амрико халқига тараққиёт ва раванг тилаб энг яхши истакларимни йўлашдан ниҳоятда мамнунман.  
**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## Ислом КАРИМОВ: ИСЛОХОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика Вазирилар Маҳкамаси, ижтимоий таъминот, меҳнат вазириликлар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари кенгашларининг вакиллари иштирокида ўтказилган ишчиликнинг муносабатларига бўлиб шариҳатини аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказди.

Мамлакатимиз Президентининг бозор иқтисодиётини ўтиш даврининг асосий йўналишлари белгилаб олинган ва ҳозирги вақтда республикамиз меҳнатшароитининг вакиллари билан маслаҳатлашиб олиш натижасида аҳолининг ҳаёт шарт-шароити яхшиланган. Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётини янги босқич — таъминот вазирилар даври бошланганда. Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россияда юз бераётган воқеалар мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимоялаш масаласига янада жиддийроқ ёндашишни таъқозо этмоқда. Агар зарур ҳолатлар курилмаса, воқеалар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билмасан, эртага халқимиз моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Бундай шариҳатда Ўзбекистонда маъмурий-бўй-руқбошлик ва марказлаштирилган таъминот тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврининг ўзини хос таъминот йўналишларини ишлаб чиқилган тўғри бўлганини ҳаёт қайта-қайта исботлашди.

Биз, деди Ислом Каримов, турли мамлакатларда бўлганимизда, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, сиёсатдон ва ишбилармон кишилар билан суҳбатлашганимизда

## Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 1 ИЮНДАГИ 262-СОНИ ҚАРОРИНИ ҚИСМАН ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг энг кам миқдори оширилганини муносабат билан Вазирилар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Шу йил 1 июндан бошлаб бериладиган купон миқдорини аниқлашнинг янги табалаштирилган жадалвий иловага мувофиқ белгилансин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йилнинг I ва II чорақлари намунасидаги купон қарточкалар амал қилиши сақлаб қолинсин.
2. Вазириликлар, идоралар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги уюшмалар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва ҳужалиқлар банкларнинг тегишли муассасаларига зарур купон миқдори

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 1 ИЮНДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

1993 йил қайд этилган даромадлар юзасидан бериладиган купон миқдорини аниқлаш жадалвий	иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа қайд этилган даромадлар (солиқлар ва чегирмаларсиз) миқдори	Бериладиган купон миқдори
11250 сўмгача	4500	4500
11251 сўмдан 30 минг сўмгача	4500 плюс 11250 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи	11250 плюс 11250 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
30001 сўмдан 100000 сўмгача	8250 плюс 30 минг сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи	8250 плюс 30 минг сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
100000 сўм ва ундан ортиқ	18750 плюс 100000 сўмдан ортиқ пулнинг 10 фоизи	18750 плюс 100000 сўмдан ортиқ пулнинг 10 фоизи

## Ез-ўтмоқда соз ОРОМГОҲ ҚҲИНИДА

Яққасарой туманидаги 91-мактабда соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Биринчи гуруҳда 165 нафар бола дам олади. Уларнинг ярни таътил кунларини яна шу ерда давом эттириши истганини билдирди. Оромгоҳда атрофдаги мактабларнинг ўқувчилари ҳам ҳордиқ чиқарди. Соғиниш ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилган муسابақалар қизиқарли ўтди. Болалар «Фанна», «Харобий қўшнлар», «Ез фасли», «Табиятнинг севаман» танлов муسابақалари ва расм кўрсатмаларида қатнашди. «Юдузлар порлаганда» танловига эса эстрада қўшнлари иккиро этилди.

Давлат автомобиль назорати ходимларининг йўл ҳаракати қондалари тўғрисидаги суҳбатлари мазмунли бўлди. Болалар, шунингдек, Бобур номидаги истироҳат боғига, республика кўнрақ театри спектаклига олинб боришди. Хайрлашув кўни болаларга эсдалар учун китоблар совға қилинди. **С. ҚИЛИЧЕВА,**  
ЎЗА мухбири.

## ТИЛАГА ЭЪТИБОР—ЭЛГА ЭЪТИБОР

1 июль кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисини Бош вазир, комиссия раиси А. Муталов бошқарди. Мажлисда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам беришни таъминлаш, шунингдек, қонуннинг икроси ҳақидаги масалани Вазирилар Маҳкамасида қўриб чиқишга пухта тайёрлаш, жойлардаги давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширувчи комиссияларни широк нозорат қилиб туриш масаласида шу комиссия аъзоларини республика вазириликлари ва идораларига, вилоятларга ва Тошкент шаҳрига, Қорақалпоғистон Республикасига бериштириб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мажлисда тегишли вазирилик ва идоралар зиммасига таълим-тарбия рус тилининг тейраси келиб қўлини. Тейрада йўловчилар эмас, балки тиббиёт ускуналари, турли дори-дармонлар бор эди. Бу инсонпарварлик ёрдами Кўшма Штатларнинг «НОРЕ» («Умид») хусусий ташкилоти етказган.  
1958 йилда ташкил топган ташкилотнинг ширин: «Хамма жойда одамлар соғом яшашларига имкон яратиб бериш!» У кўнгиллилик асосида иш қўради. Дуннинг 28 мамлакатда фаолият қўрғатавган ташкилот доирасига МДХ давлатлари ҳам кирди.



## БАНК ХОДИМЛАРИГА ЕНГИЛЛИК

Авалларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят банкларига ишлаётган ёшлар Тошкентга езуқ шаҳарларга бориб ўқинишга мажбур бўлар эдилар. Эндилкида бунинг ҳолати қолмади. Яқинда Марғилон ҳисоб-кредит техникумининг Термиз филиали очилди. Энди иккала вилоятдан 100 нафар ёш

қўнғиш мўлжалланмоқда. Филиал мудири Урол Қаюмовнинг айтишига қараганда сирти бўлимига кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланди.  
Техникум филиалининг очилишига вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Аҳмедов ва вилоят марказий банки бошқаруви раиси Бердимурод Тўхтаевлар кўмак беришди.  
Иккала вилоятдаги турли банкларда ишлаётган ходимларнинг асосий қисми дипломли эмаслиги учун ҳам шу филиални очиб зарур бўлди.  
**Жовди ХУШВОҚОВ,**  
**«УМИД»**  
**ЛОЙИХАСИ**  
Кеча Нукус шаҳрига Амрико Мудофиа Вазириги Халқаро бўлими йўналирувчи агентли-

Бугун Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Кўмитасининг XII пленуми бўлиб ўтди. Унда асосан «Мамлакатимизда ёшларга оид қонун ҳамда республика Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишида Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи ташкилотларининг иштироки ва вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Бу масала кун тартибига шунчаки қўйилгани йўқ. Чунки кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримов ёшлар ҳаётига оид, уларни ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича бир қатор фармонлар қабул қилинди-ки, улар том маънода мустақил давлат ҳаётида ёшларга бўлган эътибор тубдан ўзгарилишини кўрсатиб берибди. Дунда сазовор томони шундаки, республика раҳбарияти ёш давлатнинг келажакни бугунги ёшлар қўлида эканлигини чуқур ҳис қилмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу билан биргаликда ёшлар ўртасида ватанпарварлик, миллий ифтихор, фидойилик каби фазилатларни

## БУГУН ПЛЕНУМ. У НИМАНИ ХАЛ ҚИЛАДИ?

Шакллантирмай туриб, катта мақсадларга эришиб бўлмаглиги, мустақил давлатни барча соҳаларда дунёвий миқёсларга олиб чиқиш бўлмаглиги ҳаммага аён. Худди шунинг учун ҳам ҳозирги кезде ёшларда шу фазилатларни ривож топишда асосий оғирлик Ешлар Иттифоқи ташкилотлари зиммасига тушади. Ушбу пленумда шу масала атрофида жиддий баҳо-мунозаралар бўлиши кўтилмоқда.

Шу ишлар баробарида Ўзбекистон истиқлол мафрурасини яратиб палласига кирган экан, ташкилотнинг ҳам бу ҳаётий муҳим масала бўлишига ўз дастури бўлмақдони мақсадга мувофиқдир. Пленум иштирокчилари шу ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоқдони керак. Қолаверса, кейин-

нинг уй-жой шарт-шароитларини яхшилаш билан боғлиқ фармон ва қарорлардир. Шу қўнорларди фактларнинг ўзини республика раҳбарияти ёшларнинг нафақат эртанги кўни, балки уларнинг бой маънавий дунёси, салохияти, илмий-ижтимоий имкониятларини баралла паллақ езиши учун имкон яратиш тўғрисида қайғураётганидан даракдир. Зеро, ёш ижодкорнинг бошини силлаш эртага дунё билан бўйлашадиган мустақил давлатнинг маънавияти тўғрисида қайғурмоқдир. Мана шу масалаларнинг Ешлар Иттифоқи пленуми кун тартибига қўйилишининг ўзини таъминлашга лойиқдир. Ўнг муҳими бу ҳаётий муҳим ишлар доирасида ташкилот ўз ўрнини, ўз йўлини ва ўз мустақил дастурини ишлаб чиқмоғи керакдир.

Кўни кеча эса Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йилги йиллигини муносиб нишонлаш бўйича муҳим ҳужжат қабул қилинди. Бу тўғрисида гапириб ўтирмасан ҳам бўлади. Зеро, ўтиш даврининг чигиринларидан эсон-омон ўтиб олган бу ташкилотнинг мустақиллигининг йилги йиллиги тўғрисида сарҳис қилинган қувончли ютуқлари ҳам ва... албатта муаммолари ҳам бор...



## Мухокама учун мавзу ЁШЛАР ФИДОЙИ БЎЛИШИ КЕРАК

(ФАРҒОНАДА БЎЛИБ УТГАН ПЛЕНУМДА ТУГИЛГАН УЙЛАР)

Бугун ҳеч кимга мавҳум гап керак эмас! Юзта чиройли маърузадан кўра бир дақиқалик амалий иш афзалроқ.  
Бугун эртас эшитишга ҳеч кимнинг тоби-тоқати йўқ. «Юз қоринга қўшиқ на ҳолат» дейишган экан машоҳирлар, Буларнинг ишини бўлгани яхши. Мустиқил республика учун бугун фидойилар керак!  
Едингида бўлса, азиз муштарийлар, «Туркистоннинг раҳбарларидан тортиб то оқдйи мўбдорларигача салкам уч ой давомиде жумхуриятимиз вилоятларини ёшлар ташкилотларининг ҳисобот-конференциялари ҳақида батафсил ҳисоботлар ёзиб билан банд бўлди. «Х» деган тўлга маънада деганлардек, ёшлар ташкилотларининг нуқсонларига ёпишиб олишдан, тирноқ оралишдан кир ахтаришдан, айрим раҳбарларнинг «боллб» пўстатини қоқиб қўйишдан онгли равишда ўзиниши тийдик, гўё ҳамма жойда ишлар ривожланиб боришига қўйиб айтганда, йигирма икки миллионли Ўзбекистонда ягона ҳисобланган Ешлар Иттифоқининг ёмонини яшириб, яхшиини оширишга уриндик, Ниятиимиз холис, маслағимиз бирлигидан бўлса керак бу

шар, бир-бирининг фикрини эшитиш яхши, албатта. Бироқ бахslashувчиларнинг ўзи ҳам бундай кўрашларга киришишдан олдин амалдаги йўриқномалар, курсетма ва қўлланмалар ҳақида муайян тушунар, билим ва қўнғишга эга бўлишлари керак экан. Раис бўлган «жижиклик» бошланди. Бир-биридан чиройли ва сермазум Дастурлар, Нишонлар режалар асосида, ўзбўларчилик кайфияти ҳар кездема яна бугун. Нега шунча?  
Фаргона вилояти Ешлар Иттифоқи Кўмитасининг яқиндаги бўлиб ўтган пленумида иштирок этганлар бунга таъин бир қарра амин бўлишга дейишга асослар етарли. Пленумдан олдин вилоят кўмитасининг кенгайтирилган бюро йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш пленум кун тартибига киритилган масалаларни «қисман» ўрганиб, уни муҳокама этиш учун тавсия этди.  
Фаргона тумани Ешлар Иттифоқи кўмитаси ўз фаолларидан бирининг номзодини Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи мурофоти совридорлигига қўрсатиб, қарор тасдиғини вилоят бюросидан сураган эди. Бу масала атрофида анча тортишув бўлди. Бахсла-

шар, бир-бирининг фикрини эшитиш яхши, албатта. Бироқ бахslashувчиларнинг ўзи ҳам бундай кўрашларга киришишдан олдин амалдаги йўриқномалар, курсетма ва қўлланмалар ҳақида муайян тушунар, билим ва қўнғишга эга бўлишлари керак экан. Раис бўлган «жижиклик» бошланди. Бир-биридан чиройли ва сермазум Дастурлар, Нишонлар режалар асосида, ўзбўларчилик кайфияти ҳар кездема яна бугун. Нега шунча?  
Фаргона тумани Ешлар Иттифоқи кўмитаси ўз фаолларидан бирининг номзодини Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи мурофоти совридорлигига қўрсатиб, қарор тасдиғини вилоят бюросидан сураган эди. Бу масала атрофида анча тортишув бўлди. Бахсла-

## ЯНГИ РАИС САЙПАНДИ

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Сирдарё вилоят кўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала қўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Умарали Тўхтабоев Сирдарё вилоят Ешлар Иттифоқи кўмитасининг раиси вазифадан овоз қилинди. Шу пайтга қадар вилоят ҳокимлигида масъул ходим бўлиб ишлаб келган Одил Аҳмадқўлов Ешлар Иттифоқи кўмитасининг раиси этиб сайланди.

Пленум ишида Марказий Кўмита ишлар бошқарувчиси Х. Каримжонов, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кўмитасининг иккинчи котиби В. Тарасенко ўртоқлар иштирокида этишди.

## ЛАНГАР ТОҒИДАГИ БАЙРАМ

Кўни кеча Қашқадарё вилояти Чиройчи тумани ёшлар кўни эсда қодарлик қилиб нишонланди. Байрам Гоҳонасой қиллогини ёнидаги энг хушманзарра, баҳово жой — Лангар тоғида ўтказилди. «Яхши ишларни истаган яхши дам олишни ҳам билишни

## ҚОРАҚҮЛДА ФАЙТУН АРАВАЛАР

Қоракўлда шаҳри билан темир йўл бекати оралиғида фаейтун аравалар доимий қатнай бошлади. Туман дон маҳсулотлари комбинати директори Хамро Саъодовнинг ташаббуси билан қадимий

## ИСО АЛИ

АМРИКО ЭЛЧИСИ ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ  
Ҳар йили 4 июлда амриколиклар миллий байрам си-

## НАМОЗ ҲИЛДИ

Россияда ўн сақинча миллионга яқин мусулмон яшаб турибди. Кеча улар Волго-буйида ва Урол тоғи этақлариде Ислом дини қабул этилган кўннинг 1104 йиллиги муносабати билан тантанали намоз ўқидилар.





### Изхор

Гоголниг бир ўлиб, қайта тиригач, ёзган васиятида шундай жумлавлар бор: «Менинг йўл-имдам юрманлар».

Мен ҳам бундан бўён июдга зўр бераман-да, унинг галини такролламан. Ягона восита шу. Дарҳақиқат, ҳар бир ижодкорнинг ўз йўли бўлади. Бу йўл унинг ўзини кўришига тўғри туради. Мен турган йўл оқибат яхши бўлиб чиқмади. Бу ерда сизни ранжитгудек бирор гап йўқ. Нимани назарда тутатганимиз лозим топилса айтишим мумкин.

### 2020 йилгача ЯШАМОҚЧИМАН

«Талантни халқ яратадиган, дейишди. Мени эса гўё аёллар яратадиган. Албатта бу фақатгина юзани қараганда».

Масаланинг асл моҳияти эса, менинг қизларга, қизларнинг менга муносабатига.

Менин орузим нима! Йўналишга қараб кўп нарсани гапиршим мумкин. Қўнглимнинг тубидаси эса битта, айтишга ҳам ноқулай. У ҳам бўлса тўйиб-тўйиб йиллаш. Шундан мажрум қилинганман.

Мажнунот тағига ўтказиш мени, Мен учун йилласин, мен йиллаб бўлдим, дейди-ку шоир:

Яқин-яқингача келажак тўғрисида кўп гап қайғувермасдим. Шекспирни ўқитганимда 2020 йилгача яшаш истаги тўғрида. Қўнглимга пошшо эгам.

Козим ДАВРОН.

### АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ Ҳикматлар

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликлари маъқул бўлган нарсаларга (кўр-кўрона) қаршилик кўрсатма.

Яхши хулқ яхшилик аломатидир.

Асоси бўлмаган фандан воз кечса ҳам бўлади.

Сонлар «бир»дан таркиб топади ва «бир»га бориб тамом бўлади.

Икки доира ёки икки сфера орасида — марказ бирлиги бўлмаса — бир-бирига ўхшашлик ёки параллелизм бўлмайди. Ер маркази осмон марказида, шунинг учун Ернинг турган жойи осмон ўртаси бўлади.

Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар унинг илмларга бўлган талабларини келтириб чиқаради. Шу эҳтиёжларга кўра илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинади. Илмларнинг фойдаси очқўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир.

Ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланғич жойи бор. Бу бошланғич жойга яқинлашган сари, то ўзига бориб етгунча соддалашиб боради.

### ПОК НИЯТЛИ

Инсон борки, фарзанд учун, унинг бахт-саодатини, камолини кўриш учун яшайди. Фарзанди шу тахлит севиб, ардоқлаб, унга фақат яхшилик қилиш ниятида бор-бисотини, азиз умрини сарфлаётган ота-оналар ҳамини ҳам тўғри йўл тутаётганимикин?

Фарзандларига ниҳоятда меҳрибон, мустақкам қалқон, ҳатто айтиш мумкин, уларни «кириқлари остида» устирган бир инсонни асламан. Ёши ўттириб қолганда уйланганлиги учунми, у ўғилларини еру-қўққа ишонмас, кечяю-кундуз парона эди. Бирон боласининг топи қочса, ёки ёлгандақанига (бола ҳам ўзига яраша қўй бўлади-да) ҳарҳаша қилса, юраги ёрилаётган ота ўзини ҳар ёнга ураб, барчани оёққа турғизар, бор газабонни хотинига сочарди. Фарзандлари мактабга қатнай бошлагач, унинг «жанг»лари ҳам шу даргоҳга кўчди. Ҳар кун ёки кунора у болаларини «хафа қилган» ўқитувчи билан ёқа бўлиши қайтарди. Ота «паноҳи»даги фарзандлар эса ўқини учун эмас, муаллимларнинг жингига тегиш, аълочиларни қалақа қилиш, хуллас бирор хунар кўрсатиш мақсадида мактабга боришарди. Не ҳасратлар билан мактаб ҳам тутаб, ўғиллар мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Энди ота ўз бағрига ситмай қолган эркакларнинг роҳатига эмас, бироқ бирдан оғир ва даҳшатлироқ кўргўзликларга дучор бўла бошлади. Тўнчи ҳарбий хизматдан қочи келди. Ота елиб-югуриб ўқишга илтифат қилишга бир йилдаёқ ҳайдалиб, ишонмас-ишонмас келтирилган тўнчида, Учинчиси эса ўзига ўхшашларга қўнглиб, аввал бўлганларга қўнглиб, бурчак-юрди. Бора-бора «тажриба»лари охири каттароқ ўғилликка қўнглиб, «қопқона»га қўнглиб, ҳаммалари қамалиб кетдилар. Ота шўрлик

қанчалик гамхўр бўлмасин, минг елиб-югурмасин, фарзандларини кутқаролмай, уларнинг ҳасрат ва алам доғида қоврилиб қолаверди. Бу кўргўзлик оғир, бу дард бе-даво эди. Олдидан бирон нури, ёруғлиги илғай олмаган ота барча ташвишу гапларни хотини елкасига ағдариб, ниҳоят, ўзи бу аёзлик дунёни тарк этди. Шундоқ ҳам оқилланиб, юраги лахта қон бўлиб юрган шўрлик аёл бебошвоқ болалари ҳар кун топиб келаётган турли болаларни бир йил ҳам кўтара олмайди.

Афсус, беш-олти ой ўтмасдан, келинлар кўч-кўронларини машиналарга ортиш, туғилб-ўсган жойларига олдидан-кегин равона бўлдилар. Ота-она руҳсатини уйдан кўчага бир қадам ҳам босмайдиган ўта итоткор йиғитлар эса бош эгачча ҳомуш қолавердилар.

Болаларнинг шу қадар итотқўйлигини авваллари бутун юртга жар солиб маътанадиган ота-она энди хунуб: «Булларга нима бўлди ўзи? Нега бирор билан гаплашмайди? Нега кўчага чиқиб, ўртоқлари билан ўй-

мас, бунинг фарзандига бир сўм берилган аввал — бир мушт тушириб, келажакимиз эгасини овар ва ношуд-новтавон қилиб ўстирсан, бошқа-ўри эри қўлар билан топ-галларини эркактойлар учун аямай сарфлаб, уларни ўз ихтиёрлари, ўз қўллари билан жиноят кўчаларига йўлаб ўтирсалар... мустақиллик номин билан бошланган шароити ва улгувор вазифалар қаролатгани ким зиммасига олади?

Такрор айтмайми: ҳар кимнинг фарзанди ўзига азиз. Аммо шу юрт фарзанди бўлган бу ёшларни олдидан «ота-Ватан» кўтаётганини ҳеч оғирини унутмаслигини не-кари. Тарбия масаласида жу-да ҳушёр ва серкак турайлик. Кимнинг фарзанди бўлишдан қатъий назар, керак бўлса, қаттиққўллик билан ёмон йўлдан қайтарайлик. Ёрни келганда жигарбандларимиз қалбига қўлоқ тутиб иш қўлайлик. Хуллас, нозин бу масала ҳусусида гапирарсан, гап қўп. Бироқ бир нарсани ҳамини унутмаслигини эсимиз шарт: ўқитиб ўқилганларимиз лозал ўзимиздан бақувватроқ, сергак-кор, халқимиз ва Ватанимиз таъдирини жонқуярроқ, фидойироқ бўлиб камол топишларини таъминлаш ҳамма-мизга ҳам қарз, ҳам фарз...

Бу гапларимизни ўқиган, эшитган муштарайлар: «Ўзлари амалда нима қилаётган эканлар...» дея эътироз билдиришлари мумкин. Шундайларга жавобан ҳеч муволағасиз, очин-очин ва астойдил ишонч билан айтмайми: агар Ватан қорласа, гарчи ёшимиз эллиқдан охири кетган бўлса-да, ҳеч қилганимиз ҳарбий хизмат сари дарҳол отланамиз ва қанча талаб қилинса шунча мудат бурчи ҳалол ўташга тайёриймиз.

Асад АСИЛ, Ёзувчи.

## Ҳар лаҳза ғанимат эмасми?

Болча бир оилада рўй бераётган воқеалар бундан ҳам аниқлаётқо эди. Бу оилани бошқараётган ота ва она болаларини ниҳоятда итоткор қилиб ўстиришар, пешонасига бир мушт тушириб бир сўм берарди. Ота ва онага гап қайтарини, ҳақли, асосли масалалар устида баҳслашиш у ёлда турсин, ҳатто оғиз очиб бирон нарсани айтишдан ҳам улар маҳрум эдилар. Мулоқот боши-боши топширилган ишни миқдор баъжариб юривчи фарзандлардан ота-она аввали-дан фахрланар, оғиз тўлдириб бутун маҳаллага маъна-ийлик Вақти келиб, ота-она ўзлари топган қизларга икки ўғилни бир кунда ўйлангириб қўйдилар. Тўнчида қўнглиб бўлибди бурчак-юрди. Бора-бора «тажриба»лари охири каттароқ ўғилликка қўнглиб, «қопқона»га қўнглиб, ҳаммалари қамалиб кетдилар. Ота шўрлик

нао юрмайди?

Улар «нега-нега»лаб оламнинг бошига кўтариб айюханос соладилар-у, болаларнинг шу аҳволга тушиб қолишларида ким айбдорлигини сира-сира ўйлаб кўргўзлик келмайди. Ёки бунинг асл сабабини билсалар-да, сиртларига сув юктирмайдилар.

Ҳаётдан олдин бу икки мисолни атайлаб келтирдик. Бундан: «Хамма оилаларда аҳвол шундай эканда», деган хулоса чиқармаслигини керак. Фарзандларини ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаётган, ҳам уларнинг оруз-ҳавасларини қўриб, ҳам эл-юрт олдига юзлари ёруғ бўлиб юрган ота-оналар албатта кўпчилигини ташкил этади.

Юртнинг ободлиги, давлатимиз кудрати шулар туфайли.

Афсуски, юқорида мисол қилиб келтирган каби «гуруч ичидидаги қўрмаклар» ҳам оз

### Қадрият

қизларимизни қўриқлашга қодирми?

Мустақил Ўзбекистонимизнинг соғлом авлодини воюга етказиш ҳусусида Президентимиз чиқарган Фармон бу масала ечимини учун айни муддаодир. Фатво-ку, берилди, энг муҳими, унинг иқросини таъминлаш керак. Бу эса Ўзбекистонни ўз Ватаним деб билиган ҳар бир инсоннинг асосий бурчи бўлмоғи лозим. Қўз ўнгимизда рўй бераётган воқеаларга боқиб, баъзан ҳайрон қоламиз, баъзан ташвишга тушамиз, киши. Ёрловлар мурғак-лидан эҳтиётан чиқаётган болаларини қандай қилиб бўлса-да, пул топиш ниятида «ишбилармонлик» кўчаларига йўлаб уларни бутқўлай маънавий ноғирон қилиб қўй-



— Инсон дунёга кўз очиб қараган кундан не-не муъжизаларни кўрмайди, не гафойиботлар ҳақида эшитмайди. Аммо вақт ўтгани, шуунинг кўзусида акс этгани сайин ҳар қандай муъжиза ҳам оддий ҳодисага айланиб боради. Абдиқадир йўлида фақат қонил ҳақиқатларнинг умригина беэвоқ, сирю-синоати, меҳриғиёси, оҳанграбоси оҳорини тўқмас экан. Чайир жуссаси меҳнатга, сабр-бардошга яратилган онажонимнинг бўйларини шу қадар ўқтам, барваста кўришарди қўнмага. Энди, кўришганда, ҳайрлашаётганда кўнсиларига бош қўймоқ учун эгнашаман. Ўзимчи? Қизим бўйим билан бўйлашиб келаяпти. Нафрат сувлар оқиб кетди, нафрат йиллар ўтди, замонлар ўзгарди... Ётмиш йил қўйлаган қўнқиларимиз умрини яшаб бўлди... Фақат... хотирларимнинг десамми ва ё кўнглим кенгликларининг мовий осмонлари остидаги зилол ариқчали соҳаларида десамми... райхон бўйларига қориниб бир дунё яшайди. Кимлар уни қўнқил, яна бировлар хиргойи дейишлари мумкин. Аммо менинг назаримда бу дунёнинг маънисини, таърифий сўзларга сиймайди. Чунки бу — алла, онанинг — онанинг қалби.

Мен сени алло қилай, Кўтариб катто қилай, Худойи умриниғи берса, Қўнғиб мулло қилай, Алло, алло, алла, Эрка қўзим, алла.

Фарзандлари, невараларига алла айтдилар онам. Ванданойкижа не кунларни кўрмайди, не кунларга тушмайди. Ўзидингиза собит турмоқ бахти ҳамини ҳам ўзинга боғлиқ эмас. Лекин алла айтар чоғида аёл фақат оналикка, еруғ дунё йўлида жонсарак туриб эртани бутундан тўзғатароқ авлодини ўзидан кўра қонилроқ кўриш йўлида жон жаҳонини тиккан бетимсол оналикка қайтади.

Оқ ойдни кечалар, Ошпоқ ойдни кечалар, Гул билан райхон буройди Эрмак ўтган кўчалар, Алло, алло, алла.

ради, ёмонни яшради. Шу тақдир турмуш иморатини дарз кетишидан асрайди. Гапларини ўз нағидан олиб яна ўз юрагига тўқиди: соғинчилари, армонлари, оруз-умидларини алласига жойлаб, гўдаги билан ёлғизгина қўлиб, митгинга тилқумас жонни ўзига сирдош, дарддош, тилқоқдош этади.

Булбулнинг учди қўнқилдан, Қайларда меҳмондир буғу, алла, Булбулни йўқотиб Кўнглим парилондир буғу, алла! Ҳа, гўдаги тилқумас, лекин қондошлик, инсондошлик,

### БОЛАЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР

Эрталабини ношуфта лойти-да болаларимга тикилиб ўйлаиб қоламиз. Катта ўғлим ўрганчасига қараб дейди:

— Намунча сариёғини кўп суртасан, эртаганам қолсин!

— Ишини бўлмасин, — дея жавоб қайтарди ўртанча, — тутаси дадам яна олиб келаверади.

— Шакардан озроқ соли — яна даққи беради катта ўғлим.

— Намунча қизгайчансан, нима, сен олиб келганисан? — ўнча гўдранди ўртанча. Кичини эса беларво, тезроқ

нонунта қилиш билан банд, у ҳали бу дунё ташвишларидан бегона.

Катта ўғлим кўзимга анчайин барвақт ўлғайиб қолгандай туюлади. Энди у дам боланик завқлари билан ўйинга берилди. дам рўзгор ташвишларига аралашади. У ҳали 10 ёнда қолди. Уйнаб-қўлақдан вақти.

Боланик, ҳамон эсимда: шониб қўлиб кичик укамнинг устидан ҳатлаб ўтиб кетганим. Шунда онамлар менга даққи берди:

— «Хай-хай-хай, нима қилиб қўйдинг, боланик устини?»

Чунинг заминда бола бор! Ҳали қалбига тажовуз, қон, алам уя қуролмаган мурғак бор. Шунинг учун Кўёш ботса ҳам яна қайтиб чиқаверади. Шунинг учун бу захматкам Ер тиним билмай айланаверади.

Тўхтаб, бир зум. Уша манфур дея атаган зот кеча кўчада қолган бола эмасми? Ёки кун-кеча ўғаллар турткиси билан хўрланган гўдак ўша эмасми? Энди у бошидан кечирган, катталар солган қуфлатлар эвазига мана шу ҳаётдан ўч олаётган эмасмикин?!

Дарёларни тўсиб, ўз нозимизга солмоқчи бўлдик. Тоғларни кесиб йўл очдик. Поёни йўқ чўлар сирини билдик. Денгизлар қарида нелар яширинганлигидан оғоқ бўлдик. Ва лекин ёшимиздаги Инсон қалбини билдоладик.

Қаранг, атрофингизга, яхшилаб қаранг! Ҳали она сутти оғиздан кетмаган болақай лабини сигарета қўндириб олганини қўраётганимиз рост, индамайлик, чунки у менинг болам эмас! Иўқ, боланик бегонаси бўлмайди. У эртанг кун ахир.

Қарилар ўғилларнинг пайдо бўлиши болалар унинг меваси эмасмикин. Ота-бобларимиз бекорга айтишмаган, неки эксанг, шунинг урасан, — деб.

Йўлидан адашган гўдакни ҳатто бўрилар боқиб олганлиги, маймуллар тарбия қилганлиги ҳақида кўп эшитганимиз. Бу балким инсонларга нисбатан ўрнак бўлиш учун яратувчининг ўғитидир. Ҳатто ўша йиртиқлар ҳам бола ниғоҳи олдига таслим бўлганликлари ҳақида қўнқил! Боланик бир табасуми билан йўлбарс тегинмаганлиги бор нарсаси! Гўдақликка қўриб захарли алоҳийнинг бошини сийлаган болага илон ҳам ҳамла этолмаганлиги бўлган воқеа. Қутирган фил ҳам қочолмай қолган болани босмай ўтган. Сунга чуқатган болани ит қўтқарган.

Одамлар, синови! дамлар кетаётган шу кунларда болаларини асрайлик.

КАТТАЛАР, таъзим қилиб болаларга, бошнингизга кўтаринг уларни, уларнинг дунёни тутиб турганлиги рост!

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ, драматург.

### Жилмайдинг, чечакка эврилдинг гулним Дафтан ёруғлик юрди танангга. Очиди қўнглимнинг мулжига йўлнинг Суқланиб тикилдим сенга — чамагга. Айт ўзинг қайлардан мулжа малаҳат Яралар тузалмас, ҳикрон ўзгирар. Офтоб бошлангандан тўқанди тоқат Ниғоҳинг юкидан очун ўзгарар. Ошқ БОЛА.

Ушбу лаҳзага «қиз қўли деб ном қўйдиму, ўйлаиб қолдим...» Бу кўнглимнинг таърифи қўриш зарурми? Уларнинг қўли кўп нарсаларга лаъқатлими? Уларнинг қўли ҳаракатини кўз ўнгимизга келтирайлик-чи, қанақа манзара буй кўрсатаётган экан! Мана қаранг... Езув машинкасини, бўлбўлди «сейратинини» ёзсаммикин, ёки овқатга маза юргизиб еганлар армонда, ёмаганлар дармонда бўлган пазандалигини маъқ қилайми! Матоларга жоло бериб, киши қалбини жонбуша солаётган, нафис катталарга «жон» бағишлаган жимжимдорлик ҳақида тўхтамайми! Сувлар сепилиб, сулурилан жаннатиком сулалари ҳақида гапирайми!

Қизлар жаннат малағи, бу дунёнинг беэриг, нақши. Ўзбек қизларининг хислатлари ҳам тарих синоваларидан ўтиб, тобланиб, сайқалланиб аниқ бир жонли гулдастага айландилар. Уларнинг ҳар бир хислати ўз тарихи, шаклланиш

жараёнига эга. Унинг маъно ва мазмунини табарқур молюларимиз, доно онажонларимиз, Моҳларини Ўзбекистонимизнинг аил тафаккурларини оширган ва сайқал топтирган, унинг жоизбадорлигини, орттирган.

Ана шундай сўз билан иши бир, моҳир ва тадбиркор, ўзи

лардан. Доимо ҳушқакчақ юрадиган бу қиз ўз ишининг моҳирини. Биласизларми, укол қилганда беморни жонни оғирийди, лекин Мавжудакон бу ишни қўймак қилиб бама-ради. Беморнинг эътиборини чағитиб, «бисмиллаҳу раҳмоин раҳийм»дан бошлайдию,

дан олдин кўзи қулақдан, ёнқоти ва меҳрибон қизларимиздан бири 2-насал хонада ишлайди. У руҳий касалликлар бўлимининг ҳамшираси Ибрагимова Мавжудакон Абдунаби қиз. Мавжудакон эҳдида 22 баҳорини қаршилаган, алмо ўз ишини пухта биладиган, беморлар аҳволига шифо бағишлаётган жонбоз

### Муқаддас қўнқил Онамнинг алласи

руҳий бирлик ва ҳаммадан ҳам муҳими — Аллоҳнинг қудрати, марҳамати ила шу тилқумас қўнқилдан онанинг дилини уқиди. Шу бондангина ҳеч бир қўнқил, оҳанг она алласидек катта-кичик роҳат бағишламамас балки! Алла тинглаб улғайган фарзандлар қалби ҳалим, тушунувчан, меҳрибон бўлишининг боиси шунданмикин?


Муқаддас бешик олдига дили, кўнси меҳрдан ийиб ўтирган она ҳамини самимиийдир. Бир умр хиргойи қўнқилни кўрмаган аёл бошқа қўнқиларни айтомқчи бўлса, ўхшатоқлигини ўзгаларга эриш туюлиши табиий. Аммо у илк бор алла айтаётган бола, оҳангига тушаётган бўлиб, йўқми — барбир жу-да гузал, бетакрор, янги бир дунёдир.

Бу муқаммал, мунаввар, муқаррам, музаамдан деб — Алланинг таърифини сўзга сийдириб бўлармикин? Асло! Илоҳи, аёл зотининг барчаси бешиклар қўнида, қайта-қайта алла айтомқ саодатини насиб этсин!

Муҳтарам УЛУҒ.

### ҚИЗ ҚУЛИ

бир енгил шепатилангандай бўлади... на оғрик, на бирор нарсаси сезасан. Ҳарқалай 80 дан ошган уруш ва меҳнат факриниси А. Мантленко, Ўзбекистонда қизмат қўриган ўқитувчи Эйтиборхон опа Самановалар шундай деб таърифлашади. Айтишларинга у мактабда ҳам нимас биландир ағралиб тураркан, бироз ўртоқларига ҳазилга мойиллиги биланми-ей,



Бугуннинг гани

Тест синовига — китобларсиз

Бугун мени (уйлайманки, бошқаларни ҳам) бир савол ўйлантирмоқда: айтгинчи, олий ўқув юртини орашлаган йигит-қизлар унга қандай тайёраликни қилиш керак? Қайси китобларни ўқиш имтиҳон топиришини? Гап шундаки, бугун уларнинг кўлида ҳеч вақо йўқ — ўқув йили угар-туғамас ҳамма дарсликларни тартиб олишган. Тартиб шунақа — келгуси йилда бошқалар ўқиб-ўрганганини учун шундай қилишди. Унга хос эҳтиёт чора, тежамкорликнинг собиқ Иттифоқдан қолган яна бир кўриниши. Энди айтгинчи, талабалikka даъвогарлар қандай тайёраликни, қайси китобларни ўқиш имтиҳон топириши-сини!

си талабалар кўлида борми? Жавобни эса, юқориде айтдик. Сабобини ҳам. Аммо, табиийки, бу жавоб ҳеч қимми қониктирмайдик. Ҳамма бояги-бояғи чорасизликдан чора, йўл йўқлигидан йўл қидириб, йил этган нарса борми, этакидан ушлашга интилади. Қарабсизки, яна таъмағир ва товламачиларнинг омади юришиб турибди-да...

Мухаммад ЗАЙНИДДИН.

Ҳамкасбларимиз

Ҳар сафар ушбу аёлни рўзимоналар муҳарририяти жойлашган бино олдида учратар эканман, шомра Бисбора Туробованинг оловли мисралари ёда тушади:

«Ҳайкаллар қўйилди аёл зотига, Қадри ўлчанади меҳнати билан. Бугунги кунларнинг салтанатида, Дунё незар Аёл шуҳрати билан. Ишчим, колхозчи, шифокор, олим, Неки хизматдадур кўрмайди завоф. Бахтидан бахтиёр, элда ўрни бор, Кўлида гўдағи Аёл-бу, Аёл!»

Ана шунинг учун ҳам Зухра ошани тошкентликларнинг кўпи танийди. Ахир 27 йил бир жойда ишлаганин ўзи бу аёлнинг ҳаётига, табиғатига яқин бир ишорадир. Умуман бу аёл ҳам барча аёллар қатори меҳрибон она, севилими ёр, нуруний буви. Бирок кези келганда инсонлар ташвишига шерик бўлиб ёрдам



«Оқшом»нинг Зухра ошани

Ориф отангиз Ҳакимов, нафақатга. «Хурматли «Оқшом!» Бизнинг шикоят хатимизни инобатга олиб, орага тушагинингиздан кейин... 1... ЖЕК ходимлари анча югуриб келишди. Бахонада неча йилдан буён исмайдиган иситиш ускуналарига қайқос жон югуриб, хоналаримизга сув кирди. Қишчи ҳам эсон-омон ўтказдик. Раҳмат. Тахтапур 2-й аҳолиси. Бугун «Тошкент оқшом» рўзномасининг айна навиқрон 27 ашга тўлган кун. Бу давр ичида Зухра ошани ушбу тартирда ошмак хиссаи кўрилмади дейсизми! Яна бу аёл ҳақида чиналарни битмок мумкин. 1986 — 1991 йилларда Ленин (ҳо-

ДАНИ БАРАНИ ОЛАМ

ИШСИЗЛИКДАН ЧАРЧАШДИ ● АМРИКОНИНГ Те-хасс штатида жойлашган Туксон шаҳри ўт ўчирувчилари шидан бўшага қарор қилди. Сабоб, 80 килдан ди. Сабоб, вақт ўтаётгани, кўпроқ вақт ўтаётгани, ҳали бирор марта аёғин бўлмаган, тўғрироғи, ўт ўчирувчилар ақалли бир марта бўлса-да, аёғин ўчиришга чаққирилмаган. Чунки бунга эҳтиёт бўлмаган. Шунинг учун энди ўт ўчирувчилар ишсизликдан ариқиб, ўз касбларини ўзгартришмоқда.


ЯРИМ ЙИЛДАН СЎНГ ТОПИЛГАН БАРМОҚ

● АМРИКОНИНГ Сун-густер шаҳрида яшовчи Роберт Линдсей моторли қайиқда сайр қилиб юрганда, дўстининг қизи чўқибганига қўзи тушиб қолди. Қўтқариш учун шартта ўзини сувага олди. Шу пайт қайиқ парраги Робертнинг учта бармоғини кесиб кетди. Лекин шундай бўлса-да, қизи қўтқарди. Сўнг бошқа балиқчилар билан бирга ўзининг бармоқларини қидиришга тушди ва топишди ҳам. Дўхтирлар эса бош ва кўрсаткич бармоқларини ўз жойига сулаб қўйишди. Фақат... Бельгиянинг «Ле сувар» газетасида ёзишларича, жимжик бармоқ топилмаган. Ярим йилдан сўнггина бу бармоқни топишга муяссар бўлишган. Қандай қилиб дегил! Ушанда балиқчилар тутиб келган гулмоқчи балғининг ичини ёришган эди... ошмозонидан Робертнинг жимжик бармоғи чиқди. Негизда аёғини шу бармоқ Робертнинг эканлигини ишониб билган шунки, сўнг бу бармоқ Робертнинг эканлигини тасдиқлаб, қарор чиқарди.

РОССИЯ Президентни Борис Ельцин расий ташриф билан Юнионистонда сарфарда бўлди. Унинг бу дав-



Шу кунларда олчиликлар жуда хурсанд. Сабоби, уларнинг қишлоғида кундузи шифохона очилган. Энди тиббиёт ходимларининг ёрдамига муҳтож кишилар кундузи ётиб даволанишлари, кечга томон эса уларга кетишлари мумкин. Яқинда мухбиримиз У. Қўшвоқов Фар-



РОССИЯ Президентни Борис Ельцин расий ташриф билан Юнионистонда сарфарда бўлди. Унинг бу дав-

латта Россия давлати раҳбари сифатидаги биринчи ташрифидир. ● МОСКВАДА банклар-аро валюта биржасида навабадаги савдо-сотик бўлиб ўтди. Унда бир АҚШ доллари 1060 рублга сотилди. Бу эса аввалги савдога исбатан бир сўм арзондир. ● ХИТОЙДА тивандлик-ка қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Утган ҳафтанинг ўзида 100 дан ортиқ наркотик моддаларни сотиш билан шуғулланувчи киши қатл этилган. ● КАНАДА умумийлик

электрон алоқа тармоғини вузудга келтириш режасини тузмокда. «Электрон супермагистрал» деб аталувчи шу тармоқ асризма охирида канадаликлар қандай яшашини, ишлашини ва ўқинишни белгилаб берадиган бўлади. Хукумат ва ишбилармонларнинг вакиллари лойиҳани амалий жиҳат билан шуғулланганидан қўшма корхона барпо этилди. ● АҚШ БИЛАН Ироқнинг муносабатлари кескинлашмоқда, деб хабар қилди Си-Би-Эс телекомпанияси сўнгги воқеаларни шарҳлаб. Президент Билл Клинтон шахсан Саадда Хусейнни айблаг, у соёб АҚШ Президенти Жорж Бушнинг ўдиринига буйруқ берди, деди. Давлат департаменти эса чет элга сафар қилувчи америкаликлар айниқса сергак бўлишлар, деб огоҳландирди. ● ГЕРМАНИЯ Россия раҳбариятининг ислохотларини амалга оширишга доир йўлини бундан бунён ҳам қўллаб-қувватлайверади, ГФР иқтисодиёти Федерал вазири

Газета саҳифаланаётганда:

ТАЪМАГИРЛАР ҚўЛГА ОЛИНДИ Жиззах вилояти прокуратурасидан хабар қилишларича вилоят молия бошқармаси парҳазар бўлим 2-тоннали мутахассиси Абдумалик Авзалбоев ва иқтисодчи бўлиб ишловчи Бақдодир Эргашевлар қўлга олинган. Улар Дўстлик мағлубот жамиятига қарашли атир-уша дўқона сотувчиси Гулнора Мисирова харидордан 50 сўм уриб қолгани учун даъволатнома ёзмаслик шарти билан 10 минг сўм пора беришини талаб қилишди. Г. Мисирова уларга 10 минг сўм пул ва бир дона «Харьков» соқол олиш аппарати берди. Таъмағир молия ходимларининг бундай ноқонуний ҳатти-ҳаракати устидан тергов кетмоқда. И. ЖУРАЕВ, ҲАА мухбири.

Келгуси сонда:

- БАҒРИНГГА ЯПРОҚДАЙ ТУКИЛДИМ... ● ҚАНОТЛАР ҚАЙРИЛМАСИН

ТУРКИСТОН ИЖОРАТ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ АУДИТ МАРКАЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Уқини муддати 2 ой, машғулотлар 1993 йил 2 сентябрдан бошланади. Тошкент Молия институтининг бухгалтерлик ҳисоби профессори раҳбарлик қиладиган ўзбек тилида ишлашга ўқитиш курсига бухгалтерлар



БЎЛҒУСИ МИЛЛИОНЕРЛАР

Сиз суратда кўриб турган бу бахтиёр болаларлар бабоғат ёшга етган ва оила қуришини илти қилган пайтда ҳар бирини камда икки миллион сўмнинг эгалари бўлишди. Негиз шундай! Сабобини! Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани доқималик яқинда уларнинг ҳатна тўйларини ўтказди. Иқтисодий ночор оналарнинг 10 нафар фарзанди учун бундай махсус ёш оқинида ва ҳар бирини номинга ўн тўрт минг сўмдан пул қўйилди. Катта фондлик бу мамгарма орадан тегинчи йиллар ўтган, яқин уялиниш маврудларича ана шу миқдорга етди. Ана ундан кейин пулни ол-у, тўй тарвадига га туш. Демак, доқимлик бу билан бирданги икки қўйини уришини қўзлаган. Қўзлаган эмас, аллақачон ишонини бехато урган ҳам. Туман маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган суннат тўйи кўпчиликнинг эсида қолган бўлди. Созандалар беминнат хизмат қилдилар. Тўй ваёбдорлари шаянга энг эзгу сўзлар айтди. Ҳеч ким тўйга қуруқ келмади. Махмуд Тағрибердиев сардор бўлган ноҳия Ешлар Иттифоқи қўмитаси ҳам бу тўйга ўз улушини қўшди. Фаоллар шу кунини елиб-юғуриб хизмат қилишди. Айни пайтда ўз имконларидан келиб чиқиб, болаларнинг ҳисоб жағмарларига ўн минг сўм пул ақратилди. Мустақилликнинг иккинчи йилидаги навабасида бўлиб ўтган бу савобли тадбир эл-башларнинг миллий қадриятларини тиклаш, аҳолининг кам даромадли қисминини иқтисодий муҳофазга қилиш йўлидаги навабасида саяян ҳаракатлардан биринчи, қолос. Бизин эса худди шундай хайрият маросимларида ёшлар ташкилотларнинг қатнашаётгани ана бир нарра қувонтиради. Юртимизнинг келмагани бўлиши бу бўлгуси «миллионерларнинг бахтли ҳаётига ҳавасингиз келди!» Сиз ҳам ўзингизни уларнинг ўрнида қўришини бир зум истадингизми! Балки, Унда раҳматини шу тадбир бошида турганларга айтгин. П. СОБИРОВ сурати.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ. Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К.ЖУМАНИЁВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАХИМОВ, Э.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ.

Тавсис этилган: ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИ ҚЎМИТАСИ ва «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ газета 1925 йил 8 февралдан «Еш Ленин» номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ешлар сиёсати ҳамда фан ва ҳақ таълими — 32-57-93; ижодкор ешлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ешлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий бедаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтариламайди ва таҳлил этилмайди.